



АБУ БАКР АХМАД ИБН МУҲАММАД ИБН АЛ-ХАЙЁТНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Шокирова Зулфия Нормоҳаматовна

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
“Араб тили ва адабиёти ал Азҳар” кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

Аннотация. В данной статье анализируется научное наследие выдающегося представителя арабского языкознания Абу Бакра Ахмада ибн Мухаммада ибн аль-Хайята. Освещается его вклад в развитие науки нахв, а также его роль в синтезе научных подходов басрийской и куфийской школ. Особое внимание уделяется его трудам, научным взглядам и их влиянию на последующее развитие арабской лингвистики. В исследовании систематизированы разрозненные сведения из различных источников и проведён их научный анализ.

Ключевые слова: Ибн аль-Хайят, арабское языкознание, нахв, басрийская школа, куфийская школа, багдадская школа, грамматические взгляды, история языка, научное наследие, аналогия, грамматические причины

Аннотация. Мазкур мақолада араб тилшунослиги тарихида муҳим ўрин тутган олим Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Хайётнинг илмий мероси таҳлил қилинади. Унинг нахв илмидаги ўрни, Басра ва Куфа мактаблари ўртасидаги илмий қарашларни уйғунлаштиришдаги хизмати ёритиб берилади. Шунингдек, олимнинг асарлари, илмий қарашлари ва уларнинг кейинги тилшунослар фаолиятига таъсири ўрганилади. Тадқиқот жараёнида манбаларда тарқоқ ҳолда сақланган маълумотлар жамланиб, илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ибн ал-Хайёт, араб тилшунослиги, нахв илми, Басра мактаби, Куфа мактаби, Бағдод мактаби, нахвий қарашлар, тил тарихи, илмий мерос, қиёс, нахвий иллатлар

Abstract. This article examines the scientific legacy of Abu Bakr Ahmad ibn Muhammad ibn al-Khayyat, a prominent figure in the history of Arabic linguistics. It highlights his contribution to the development of Arabic grammar (nahw) and his role in synthesizing the approaches of the Basran and Kufan schools. The study also



explores his works, linguistic views, and their influence on later scholars. Fragmented information from various classical sources is collected, systematized, and analyzed from a scholarly perspective.

Keywords: Ibn al-Khayyat, Arabic linguistics, nahw, Basran school, Kufan school, Baghdad school, grammatical views, linguistic history, scientific legacy, analogy, grammatical reasoning.

Ҳижрий тўртинчи аср – наҳв илмининг илмий ва назарий асослари мустақамланган давр ҳисобланади. Бу даврда наҳв назарий жиҳатдан ривожланиб, фақат тил қоидаларини эмас, балки уларнинг умумий қонун ва мантиқий асосларини ҳам қамраб олди. Шунингдек, Басра ва Куфа мактаблари ўртасидаги баҳслар якунига етди. Шу тариқа наҳв илми фақат амалий фан эмас, балки назарий асослари, умумий қонун-қоидалари мавжуд бўлган мустақил илм сифатида шаклланди. Араб тилшунослиги тарихида етакчи ўрин тутган Басра ва Куфа мактабларининг илмий меросини бирлаштиришда турли уламолар катта хизмат қилдилар. Улар орасида юртдошимиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мансур ал-Хаййотнинг хизмати алоҳида ўринга эга. Унинг асарлари ва илмий фаолияти орқали наҳв қоидаларининг мантиқий асосланишига катта ҳисса қўшилган. Ибн ал Хаййот шунингдек, тилшунос, тарихчи, шоир ва муҳаддис ҳам бўлган. Бу шахсият замонавий тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган, чунки у ҳақида кўп ёзилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири — унинг асарларининг кўп қисми йўқолиб кетганидир .

У Самарқандда туғилиб, кейин Боғдодга сафар қилган ва у ерда Басра ҳамда Куфа мактаблари намояндalarидан таълим олган. Олимнинг асосий фаолияти Боғдодда кечган бўлиб, у машҳур наҳвшунослар билан мунозара ва илмий баҳслар олиб борган. Манбаларда айтилишича, у хушмуомала, ҳалим ва илм аҳли орасида катта нуфузга эга шахс бўлган. Ал Хайёт кўп умр кўрмаган, у ҳижрий 320 (932 м.) йилда Басрада вафот этган .

Абу Бакр Ибн ал-Хайётнинг наҳвий мазҳаби ҳақида унинг таржимаи ҳолини ёзган олимлар ўртасида ихтилоф мавжуд. Зубайдий уни Басра мактаби наҳвчилари табақаларининг тўққизинчи қатламига киритган. Аммо Ибн ан-Надим уни икки мазҳабдан ҳам таълим олганлар қаторига қўшган. Таржима



муаллифлари ҳам Ибн ан-Надим фикрига эргашиб, уни басрий ва куфий мазҳаблар ўртасини уйғунлаштирган наҳвчилардан деб ҳисоблашган.

Ибн ал-Хайёт муайян бир мазҳаб билан чекланиб қолмаган, балки турли наҳвий мазҳаблардан ўзи маъқул деб билган қарашларни танлаб олган. Бу услуб IV аср бошларида Бағдод наҳвчиларига хос бўлган. Бу жиҳат тадқиқотчи томонидан Ибн ал-Хайётнинг қарашларини ўрганиш жараёнида аниқ намоён бўлган. Бу фикрни Ибн ал-Хайётнинг шогирди Абу ал-Қосим аз-Зажжожий ҳам қўллаб-қувватлайди. У Ибн ал-Хайётнинг устозлари куфий наҳвни тарқатган, унинг олимлари қарашлари ва мазҳабларини баён қилган ҳамда басралик наҳвчилар учун ноаниқ бўлган наҳвий истилоҳларни шарҳлаган наҳвчилардан бўлганини таъкидлаб: «Агар биз бу фасихларнинг гапларини тўлиқ келтиришга киришсак, бу бизга фойдасиз ҳолда ортиқча машаққат келтиради. Балки уларнинг аксариятини ҳатто ўз қавмлари ҳам тушунмас. Куфийлар мазҳабини бизга ривоят қилган фасихлардан кўпчилиги ҳам ўз қавмлари орасида яхши танилмаган. Масалан, Ибн Кайсон, Ибн Шақир, Ибн ал-Хайёт ва Ибн ал-Анбарий кабилар. Биз эса куфийларнинг иллатларини ана шу фасихлар ва уларнинг изидан борганлар орқали ривоят қиламиз» деган.

Ибн ал-Хайёт қиёс ва наҳвий иллатларга катта эътибор берган. Биз Абу ал-Қосим аз-Зажжожий ундан фикҳий ҳукмлар билан боғлиқ кўплаб наҳвий масалалар ва фикрларни нақл қилганини кўрамиз. Ас-Суютий «ал-Бусут» китобида шундай дейди: «Абу ал-Қосим Абдуррахмон ибн Исҳоқ аз-Зажжожий ан-наҳвийнинг фикҳий масалалар ҳақидаги “Азкар” китобида зикр қилинишича, у шундай дейди: Абу Бакр Муҳаммад ибн Мансур, Ибн ал-Хайёт номи билан машҳур, айрим масалаларни менга баён қилди. Улардан бири — у Абу ал-Аббос Са‘лаб ва Абу ал-Ҳасан ибн Кайсон билан учрашиб, масалаларни умумлаштириш ва тартибга солишда иштирок этгани ҳақидадир. Шунингдек, баъзи масалаларни Абу ал-Аббос Са‘лаб унга баён қилган, бошқаларини эса у оғзаки равишда шайхларидан тўплаган, яна баъзиларини эса ўз китобларидан чиқариб олган. Шу сабабли мен уларнинг барчасини ушбу китобда жамлашни истадим ва уни “Фикҳий масалалар ҳақидаги Азкар” деб номладим».



Нахвшунослар ҳақидаги манбаларда Ибн ал Хайётнинг устозлари ҳақида кўп маълумот келтирилмаган. Лекин мавжуд маълумотларга таянилса, у Бағдодга келганида машҳур олимлар ал Мубаррад ва Саълабдан таълим олган. Ўша пайтда Саълаб Куфа мактабининг, ал Мубаррад эса Басра мактабининг энг йирик олимларидан бўлишган. Шунинг учун ал Хайётнинг қайси мактаб намояндаси бўлгани ҳақида ихтилофлар мавжуд. Ибн Надим уни иккала мактаб вакили ҳисоблаган. Чунки ал Хайёт муайян бир мактаб фикрига таянмаган, балки ўзи тўғри деб топган фикрни қўллаб қувватлаган. Бундай ёндошув Бағдод мактаби вакилларига хос бўлган. Шу сабаб ал Хайёт Басра ва Куфа мактабларининг йўналишларини уйғунлаштирган олимлардан ҳисобланади. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, машҳур тилшунос олимлар Абу Али ал Форисий, Абу ал Қосим аз Зажжожий ҳамда Абу ал Фаҳд ал Хайётнинг шогирдларидан бўлишган.

Олимнинг нахв қоидаларини ўзига хос тарзда шарҳлаши шогирдларининг асарлари орқали етиб келган. Манбаларда келтирилишича, унинг баъзи қоидалари кейинчалик Ибн Жинний, Ибн Яъиш, ва ҳатто аз-Замахшарий асарларида иқтибос қилинган. Иқтибосларга таянган ҳолда куйидаги асарлар Ибн ал-Хайёт томонидан ёзилган деб эътироф этилади:

1. Ма'аний ал-Қуръон – القرآن معاني .
2. Ан-нахв ал-Кабир – الكبير النحو
3. Ал-Муъжаз фи ан нахв – النحو في الموجز .
4. Ал-Муқниъ фи ан нахв – النحو في المقنع

Уларнинг кўп қисми бизга тўлиқ ҳолда етиб келмаган бўлсада, бу асарлар араб тилшунослигида катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Замонавий тадқиқотчилардан Али Муҳаммад Аҳмад аш-Шаҳрий “Ибн ал-Хайёт ва унинг нахв ва сарфдаги қарашлари” номли мақоласида олимнинг нахвшунос олимларнинг асарларида тарқоқ ҳолда сақланиб қолган нахвга оид баҳсли масалаларини йиғиб, таҳлил қилган.

Доктор Моҳир Абдулғани Карим эса ўзининг “Ибн ал-Хайёт ва унинг нахвдаги таъсири” мақоласида Куфа ва Басра мактаблари вакиллари ўртасидаги мунозараларни ёритиб берган. Хусусан, Саълаб ва Исҳоқ аз



Зажжож, Ибн ал Хаййотнинг аз Зажжож ва ал Форисий ўртасидаги мунозаралари ва айрим наҳвий қоидалар бўйича билдирган фикрларини таҳлил қилиб берилган .

Замонавий наҳвшунос олимлар Ибн ал-Хайёт илмий баҳсларда ўз фикрида қаттиқ туриши ва наҳв қоидаларини мантиқий асослаш ва Қуръон оятларидан далил келтириш билан ўзига хос илмий йўналишга эга бўлганлигини таъкидлайдилар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, олимнинг асарлари йўқолиб кетгани учун уларнинг матнлари мустақил ҳолда ўрганиб чиқилмаган. Ибн ал-Хаййотнинг асарлари китоб шаклида эмас, иқтибослар шаклида келган бўлса да, улар орқали олимнинг наҳв илмида муҳим ўринга эгаллиги ва Басра-Куфа мактаблари қарашларини уйғунлаштириб, қоидаларнинг мантиқий асосларини изоҳлаган буюк тилшунос бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Хаййот — араб тилшунослигининг муҳим намояндаларидан бири. Унинг мероси нафақат араб наҳв илми, балки ислом илмий мероси учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

أم جامعة، العربية اللغة في دراسات مجلة. والصرفية النحوية وآراءه الخياط ابن. أحمد محمد علي الشهري القرى . المجلد 7، العدد 2. 2020.

بيروت - الإسلامي الغرب دار. عباس إحسان: تحقيق. الأديب معرفة إلى الأريب إرشاد. الحموي ياقوت - المعارف دار. إبراهيم الفضل أبو محمد تحقيق. واللغويين النحويين، للتبليغ الجوهري. 1993. الأولى الطبعة مصر.

العدد 10، المجلد. بأسسوط العربية اللغة كلية مجلة. النحوي وأثره الخياط ابن. كريم الغني عبد ماهر

2012. اللغوية الدراسات مجلة. ناصيروفا مليكة

الخامس الجزء. 2002. الخامسة الطبعة. بيروت - للملايين العلم دار. الأعلام. الزركلي الدين خير